

“Ўздавнефтгазинспекция”нинг нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссиясининг 2018 йил “22”июндаги 1-сонли йиғилиш баёнига **2-илова**

МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

VI-бўлим.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини қуриш

2. «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан технология талабларига риоя этилиши бўйича қўйиладиган минимал талаблар

- а) қурилиш ва монтаж ишларини бажарувчи техника ва механизмлар билан таъминланганлиги ва техник ҳолати тўғрисида маълумот;
- б) буюртмачи томонидан тасдиқланган жорий йилда қуриладиган нефть - газ объектлари рўйхатининг мавжудлиги;
- в) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш асбоб ва ускуналари билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнинг мавжудлиги;
- г) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш лабораториянинг ёки бошқа лаборатория билан тузилган шартноманинг мавжудлиги, унинг керакли асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги;
- д) қурилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш учун ёқилғи маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш тизимини яратилганлиги;
- е) қурилиш ва монтаж ишларини амалга оширишга тегишли бўлган норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва уларнинг рўйхати.
- к) ўлчов асбоблари билан таъминланганлиги, ҳолати ва ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлиги ҳамда текширувдан ўтказилганлиги;
- л) стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар билан таъминланганлиги;
- м) мажбурий тарзда сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни сертификатлаштирилганлиги тўғрисидаги мувофиқлик сертификатини мавжудлиги;
- н) ходимларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалаларида малакаларини оширганлиги тўғрисида тегишли гувоҳномаларининг мавжудлиги.

Эслатма: Топширилган ҳужжатлар жамланмаси лицензия талабгорига қайтарилади (лицензия талабгорининг аризаси ва «Ўздавнефтгазинспекция» ходими маълумотномасидан ташқари).

VII-бўлим.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан фойдаланиш

2. «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан технология талабларига риоя этилиши бўйича қўйиладиган минимал талаблар

- а) барча технологик жараёнлар бўйича тасдиқланган технологик регламентнинг мавжудлиги;

б) корхонага ўрнатилган ускуналар (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурлари, компрессор станция, газ тақсимлаш станцияси, ер ости газ сақлаш иншооти)нинг рўйхати ва техник характеристикалари;

в) магистрал қувурларга ўрнатилган ёпувчи, бошқарувчи мосламалар ва клапанларни техник ҳолати ва фойдаланишга яроқлилиги тўғрисида тегишли корхоналар томонидан берилган ҳужжатларнинг мавжудлиги;

г) кимё-назорат лабораторияларнинг етарли даражада назорат асбоб-ускуналари билан бутлангани ва кимёвий реагентлар билан таъминланганлиги;

д) корхонадаги мавжуд машъал хўжалигининг (Факеллар) ҳолати ва ва газ ҳисоблаш ускуналари билан таъминланганлиги;

е) ихтисослашган ташкилот томонидан нефть, газ ҳамда нефть маҳсулотларини технологик йўқотиш меъёрларини ишлаб чиқарилганлиги, ҳамда унинг корхона раҳбари томонидан тасдиқланганлиги.

Эслатма: Топширилган ҳужжатлар жамланмаси лицензия талабгорига қайтарилади (лицензия талабгорининг аризаси ва «Ўздавнефтгазинспекция» ходими маълумотномасидан ташқари).

к) ўлчов асбоблари билан таъминланганлиги, ҳолати ва ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлиги ҳамда текширувдан ўтказилганлиги;

л) стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар билан таъминланганлиги;

м) мажбурий тарзда сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни сертификатлаштирилганлиги тўғрисидаги мувофиқлик сертификатини мавжудлиги;

н) ходимларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалаларида малакаларини оширганлиги тўғрисида тегишли гувоҳномаларининг мавжудлиги.

VIII-бўлим.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини таъмирлаш фаолияти бўйича.

2. «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан технология талабларига риоя этилиши бўйича қўйиладиган минимал талаблар

а) белгиланган меъёр рўйхатига мувофиқ, таъмирлаш ва тиклаш хизмати, механизмлар, асбоб-ускуналар, транспорт, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника ва бошқа воситалари билан таъминланиши;

б) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш асбоб ва ускуналари билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнинг мавжудлиги;

в) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш лабораториянинг ёки бошқа лаборатория билан тузилган шартноманинг мавжудлиги, унинг керакли асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги;

г) таъмирлаш ишларини амалга оширишга тегишли бўлган норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва уларнинг рўйхати.

д) стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар билан таъминланганлиги;

ж) мажбурий тарзда сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни сертификатлаштирилганлиги тўғрисидаги мувофиқлик сертификатини мавжудлиги;

з) ходимларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалаларида малакаларини оширганлиги тўғрисида тегишли гувоҳномаларининг мавжудлиги.

Эслатма: Топширилган ҳужжатлар жамланмаси лицензия талабгорига қайтарилади (лицензия талабгорининг аризаси ва «Ўздавнефтгазинспекция» ходими маълумотномасидан ташқари).

